

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2011
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.КАРИМОВ

Учта сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун Франкль масаласининг хос функцияларини қуриш 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, Ф.РАҲМАТОВ

Мева-сабзавотлар учун инфрақизил қуритиш қурилмаси 12

Ш.ЯКУБОВА, Т.АЗИМОВ, З.ХУСАНОВ, О.ТЎЛАНОВ

Астрономик координаталар тизимлари 14

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Ш.ХАМИДОВ, А.МАТКАРИМОВА, Ш.ТУРСУНОВА

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis L.*) нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари 18

У.БОЛТАБОЕВ

Енгил саноатдаги ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган омилларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш 21

Р.МАТЬЯКУБОВ, Д.САЛМОНОВА, И.ТУРДИБОЕВ, Ш.АБДУРАЗЗАКОВА

Карбамидформальдегид – (КФО) ва фенолформальдегид олигомерлари (ФФО)ни фурфурил спирти билан сополимерларининг олиниши ва хоссаларини тадқиқ қилиш 24

Х.ТОШЕВ, А.ЕШИМБЕТОВ, А.ХАЙТБАЕВ, Ш.ТУРГУНБОЕВ, Ж.БЕКНАЗАРОВ

Госсипол айrim Шифф асосларининг геометрик ва энергетик характеристикаларини ярим эмпирик усууда ўрганиш 27

Ш.ЮЛДАШЕВА, Ш.И.ХАСАНОВА

Полиз шираси миқдорий зичлигини бошқариб туришда энтомофагларнинг ўрни 32

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

А.ХАМИДОВ

Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва тармоқ районлаштириш муаммолари 35

Ю.АҲМАДАЛИЕВ, О.АБДУҒАНИЕВ

Фарона водийсида сугориладиган ерларнинг тупроқ-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш 39

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.ТАДЖИБАЕВ

Ўзбекистонда иқтисодий таълим: кеча, бугун ва эртага 42

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

А.ҚАМБАРОВ

Илмий қадриятлар – мамлакатни барқарор ривожлантириш омили 47

Қ.СУЛАЙМОНОВ

Ўрта синф – бозор иқтисодиётининг етакчи кучи 50

Д.НОРМАТОВА

Ахлоқий меросда тарихий-маънавий қадриятлар масаласи 54

Г.МАДРАХИМОВА

Мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлигига эътиборнинг кучайтирилиши 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида инсон кечинмаларининг бадий талқини 62

УДК: 33/330.19

ЎРТА СИНФ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Қ.Сулаймонов

Аннотация

Ушбу мақолада бозор иқтисодиётига ўтишда энг кўп сонли, ҳаракатчан, уюшган, тезкор ўрта синф қатламининг ўрни ва роли атрофлича асослаб берилган.

Аннотация

В статье утверждается оперативная организованность и многосторонняя значимость среднего класса в период перехода к рыночной экономике.

Annotation

In this article is proved the importance of the multilateral operational organization of the middle class in the transition to a market economy.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий қатлам, иқтисодиёт, хусусий мулк, мулкдор, ўрта ва кичик бизнес, соҳибкор, ўрта синф мулк эгаси.

Ключевые слова и выражения: социальный слой, экономика, частная собственность, собственник, средний и малый бизнес, владелец имущества, собственник среднего класса.

Key words and expressions: social layer, economics, private property, owner, small and medium business, owner of the property of the middle class.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида: “Бизнинг бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳалқимиз учун муносаб турмуш шароитини яратишдан иборат” [1], деган улуғвор вазифаларни белгилаган. Бу кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олади. Уларни рӯёбга чиқариш мамлакат иқтисодиётини индустрисал ривожлантириш, республика экспорт салоҳиятини ошириш, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса фермерлик ҳаракатини тараққий топтириш ва бошқа шу каби улкан вазифаларни амалга оширишни талаб қиласди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муштарак мақсадлари ҳалқнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш, унинг куч-

ғайратини янги-янги марраларга сафарбар этишининг асосий омили, етакчи кучи бўлган ижтимоий қатлам, таъбир жоиз бўлса, ўрта синф шаклланди, хусусий мулк ва кўп укладли, дунё сари юз тутган очиқ иқтисодиёт пайдо бўлди. “Бозор – ҳаётимиз кўзгуси бўлиб қолиши керак”, деган эди республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов, 1994 йил 20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида. Бугун бозор хусусий мулк, тадбиркор, мулкдор, ўрта ва кичик бизнес тушунчалари яхлит ижтимоий-иқтисодий бирликни ифодалаб турибди. Бу йўлни янада кенгайтириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини Президент Ш.М.Мирзиёевнинг нутқ ва фармонларида яққол кўрамиз. Олдинда турган вазифа, хусусий мулкни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора - тадбирларни амалга ошириш вазифаси турибди. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига халақит берадиган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш зарур, дейди Ш.М.Мирзиёев.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш

Қ.Сулаймонов – ФарДУ миллий гоя, маънавият асослари ва хукуқ таълими кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва биринчи даражали вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларни ҳал этишда биз тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратамиз [2].

Тадбиркорликнинг тобора ривожланиб бориши мамлакатни ишлаб чиқариш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда дастлабки йилларданоқ ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Масалан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг улуши ялпи истеъмол маҳсулотда 56,7 фоизни, аҳоли бандлигида 77 фоиздан ортигини ташкил қилганлиги таъкидланди [3].

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни муқаррар равишда мулқорлар ижтимоий қатламишининг шаклланиши ва қарор топишини тақозо қиласди. Шу муносабат билан соҳибкорлик ва тадбиркорлик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бозор муносабатлари ҳар бир кишидан билимдон, ҳаракатчан, чақон, ҳушёр, ҳар қандай вазиятларга ва таваккал қилишга тайёр туришни талаб қиласди. Мулқор ўз фаолиятида соҳибкорлик ва тадбиркорликни ўйғун ҳолда қўшиб олиб боради. Бозор муносабатларининг босқичма-босқич ўтиш тажрибаси шуни кўрсатадики, инсонни фақат келажакка, истиқболдаги натижага бўлган ишончгина, аввало, яхшироқ яшашга бўлган интилишгина олдинги мэрраларга олиб чиқади. Бунда инсон ўз қобилияти ва имкониятларини ишга солади, соҳибкорлик ва тадбиркорлик йўлларига киради. Бу икки тушунча инсоннинг фаолиятида ўзаро ўйғунлашиб боради. Шунингдек, уларнинг ўзаро тафовутларини ҳам назарда тутиш зарур. Бу ҳолни иқтисодчи профессор Нурислом Тўхлиев қўйидагича изоҳлайди: “Соҳибкорлик ва тадбиркорлик жараёнларини олиб қарайлик, – деб ёзади Н.Тўхлиев. Соҳибкорлик – бу касб, ҳатти – ҳаракат, турмуш тарзи. Соҳибкорлик кўпроқ инсон интилиши ва турмуш тарзида намоён бўлса, тадбиркорлик эса инсон фазилатидир.

Соҳибкорлик ва тадбиркорлик алоҳида-алоҳида тушунчалар бўлса-да, аммо улар умумий жиҳатдан бир соҳада, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ тузилмаларида фаолият кўрсатади, бозор ишлаб чиқариши ва муносабатларига фаол таъсир кўрсатувчи воситалардир. Улар бозор инфратузилмасига ва ижтимоий структурасига фаол таъсир кўрсатади. Ҳар иккаласида ҳам ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ тузилмаларида фаолият кўрсатувчи шахслар назарда тутилади. Улар ўз фаолияти ва жамият ва тадбиркорлиқдаги ўрни ва ҳиссаси билан фарқланади.

Умумий хусусияти шундан иборатки, ўз тузилмасига кўра майда ишлаб чиқариш соҳасини, ўрта ва кичик бизнесни қамраб олади ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг етакчи кучи бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва етакчи ижтимоий кучга айланишига олиб келади.

Бугунги бозор муносабатлари тобора кенгайиб, ҳал қилувчи ижтимоий ҳаракатга айланиб бораётган шароитда фермерлик, ўрта ва кичик бизнес, соҳибкорлик, тадбиркорлик ўрта синф, мулқорлар қатламишининг ривожланиши ана шу ижтимоий - иқтисодий жараённинг ифодасидир. Айнан ана шу жараён, Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг асосий белгиси ва хусусияти ҳақидаги фикрларининг амалда намоён бўлиши орқали аниқ ва равshan ўз ифодасини топди. Биринчи Президентнинг қуйидаги башорати ва кўрсатмаларига эътибор берилса, унда Ўзбекистоннинг табиий, иқтисодий, инсон омили имкониятлари, ўзбек ҳалқининг миллий менталитетига хос ўта муҳим илмий-амалий фикр - мулоҳазалар ёрқин кўринади.

Жамиятнинг барча соҳаларида ижтимоий адолатнинг қарор топишини бош мезон қилиб олган И.А.Каримов: “Биз жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак, деган тамойилни изчил амалга оширамиз. Лекин бу масалани ечишда фақат ва фақат иқтисодий воситаларга таянамиз”, деган эди [4].

И.А.Каримов белгилаб берган ана шу йўл, кўрсатмалар бугунги кунда ҳам тадбиркорлик ва соҳибкорликни ривожлантириш, улар негизида ўрта синфи, мулкдорларни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг илмий-назарий ҳамда ҳаётий - амалий дастури бўлиб келмоқда.

Юқоридаги фикрларга аниқлик киритиш ва ижтимоий фалсафий таҳлил қилиш учун тадбиркорлик ва соҳибкорлик тушунчаларининг ижтимоий генезиси, мақсад ва вазифаларини ёритишга нисбатан кенгроқ ўрин беришни лозим топдик, ёхуд бу ижтимоий-иқтисодий воқеликлар ўрта синф ва мулкдорлар шаклланишининг энг муҳим шартидир. Соҳибкор – бу иш эгаси, хусусий мулкдор дегани. Ижтимоий-психологик нуқтаи назардан шахс юриш-туришининг, фаолиятининг алоҳида тури, дунёқараши, фикрлар, маданият, хулқ, феъл-атвор тарзи ҳамдир. Унинг ташаббускорлиги, ноанъанавий хатти-ҳаракатлари, иш юритиши, фикр ва иш юритишининг кенг қамровлиги, таваккалчилик (risk)ка мойиллиги, ишчанлиги, уддабуронлиги тадбиркорлик маданиятининг индикатори, яъни кўрсаткичи эканлиги ва ҳоказолар билан етакчи ўринга эга.

Соҳибкорликнинг энг биринчи шарти ва белгиси иқтисодий эркинликдир. Бусиз у бозор иқтисодиёти муносабатлари ва қонунларига мослаша олмайди. Фақат иқтисодий эркинликгина ўрта синфининг шаклланиши ва фаолияти учун зарурий шарт-шароитлар яратади. Соҳибкор шахси ишга дахлдор бўлган соҳалар бўйича мустақил қарор қабул қилиши ва унинг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Шунинг учун у етарли даражада билимга, интеллектуал салоҳиятга, касбий жиҳатдан юқори маълумотга, маданий – маърифий муомалага, масаланинг ечимини тез ва тўғри топиш қобилиятига, зарур бўлганда, тавакkal қила олишлик руҳига эга бўлиши зарур. У ёки бу шаклдаги мулк эгасигина шундай фазилатга ва имкониятга эга бўлади.

Мулқдорлик ривожланишининг энг самарали ва ижодий йўли тадбиркорликдир. Бу тушунча соҳибкорлик тушунчасидан бирмунча фарқ қиласди. “Тадбиркорлик – бу, ҳали иш, деб ёзади Нурислом Тўхлиев, – корхона эгаси дегани эмас, балки кўпчиликка хос бўлиши лозим бўлган фазилатdir, холос [5]”. Соҳибкорликнинг биринчи шарти бирор-бир корхона, ишлаб чиқариш тармоғи, муайян мулкка эгалик қилишидир. Унинг бу соҳаларда амалга оширган фаолияти натижасида янгидан-янги иш ўринлари вужудга келади, демак ўрта табақа-қатламнинг дастлабки иштирокчилари шаклланади, жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади. Ушбу ўринда республикамизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ўрта синф тўғрисидаги фикрларини келтириш айни муддаодир: “Дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало, хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, яъни ўрта синф бу бойликни янада кўпайтиришга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади ва, энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради” [6].

И.А.Каримов жамият ҳаётида ўрта синфининг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўзбек халқининг минг йиллик жамоа бўлиб яшаш, оила, қонқариндошлик анъаналари билан Ватан, онаер тушунчаларини узвий боғлаб, ғоят таъсирли ва мазмунли ифодалайди: “Мен ўрта синф деганда, нафақат ўзининг, айни пайтда оиласи ва фарзандларининг тақдирни ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда бойлик топиш ва шу юртни бойитиш мақсадида тер тўкиб меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимга келтираман” [7].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда шаклланган бугунги ўрта синфининг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий-

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

руҳий хусусиятлари ва интилишлари юқоридаги фикрларни тўла тасдиқлайди.

– Ўрта синф – бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг етакчи, энг кўп сонли фаол ижтимоий қатлами.

– Ўрта синф мулқдор, ўзининг мулкига эга, уни ҳимоя қилиш ва кўпайтиришдан манфаатдор.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Фарғона вилояти ҳокимиятидаги мажлисда сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Фарғона вилоятида иш билан банд бўлган аҳолининг салкам 80 фоизи кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Бундай ўзгариш мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда бекиёс аҳамиятга эга. Ўрта синф – мулк эгаси, Ўзбекистоннинг бугуни ва келажагини ҳал қилувчи куч. Бу синф жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан энг кўп манфаатдор бўлган ижтимоий қатламдир. Мулк эгаси ҳеч қачон бекорчи ишларга вақт сарфламайди. Чунки у доимо иш билан, меҳнат билан банд. Фермерларимиз ҳам айни шу қатламга мансуб бўлиб, қишлоқ жойларда эртанги кунимиз пойдеворини яратишда ўз ҳиссасини қўшмоқда” [8].

– Ўрта синф ўзининг ижтимоий – фалсафий табиатига кўра, яъни келиб чиқишига кўра меҳнаткаш қатлам; у жамият эҳтиёжларига бефарқ қарамайди, ён-атрофдаги бева – бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб

ишлар қилиб яшайдиган инсонлар гуруҳидан ташкил топади.

– Ўрта синф мустақиллик шарофати билан фаол ижтимоий ҳаёт саҳнасига қайтадан чиқсан энг кўп сонли қатлам бўлиб, юртимизда қадимий илдизларга эга бўлган тадбиркорлик, ишбилармонлик, уддабуронлик маданиятини тиклаш, уни ҳалқ оммасининг ҳаёти ва турмуш тарзига сингдириш каби масъулиятли ва мураккаб вазифаларни ўз зиммасига олади.

– Ўрта синф ўзининг ижтимоий – руҳий табиатида миллийлик ва умуминсонийликни уйғунлаштиради. Чунки унинг иши ва фаолиятининг ютуғи, мувафаққияти ушбу омилнинг амалиётга татбиғига боғлиқлиги тўғрисида ҳеч қандай шубҳа бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятни бозор иқтисодиётига ўтишининг объектив зарурияти ва қонунияти биринчи навбатда ўзининг яратувчиси, мунтазам янгиланиб, ўзгариб, модернизациялашиб ва ривожланиб борувчи ижтимоий кучга эҳтиёж сезади. Бу ижтимоий куч – мамлакатимизда тобора кенгайиб, янгидан-янги куч олаётган ижтимоий қатлам, саноатимиз ва қишлоқ хўжалиги тараққиётида етакчи кучга айланәётган тадбиркорлар, кичик хусусий мулқдорлар, кичик ва ўрта бизнес эгалари, фермерлар, савдо-сотик ходимлари. Бу ҳақда республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида сўзлаган нутқарида таъкидлаб ўтди.

Адабиётлар:

1. “Фарғона ҳақиқати” газетаси, 2016 йил 16 ноябрь.
2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Каримов И. Ватан ва ҳалқ мангу қолади. Т., -2010, 51 б.
4. Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. “Фарғона ҳақиқати” газетаси, 2012 йил 19 декабрь.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).